



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1828 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 10 октябрь, чоршанба

№88 (11.365)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БАЁНОТИ

Шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан, кейинги вақтда террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асосли маълумотлар бир қаторда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бир-бирига қаршилар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қўлоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатларининг қўроқли қўчаларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Кўни кеча баъзи хорижий ахборот воситаларида Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қиладиган 10-ўқчи дивизияси қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Хатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гўёки Ўзбекистоннинг аэродромлари деб кўрсатишга уринишмоқда.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан хорижий матбуот воситаларида бир қанча таҳминлар ва гаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилган ахборот хабарларда, қўпчанча бўғтондан иборат бўлган ахборот ва таҳминларда, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги каторида Ўзбекистонга ҳам таширф буюришини ҳуддики бизнинг ораминиз-

да пинхона тузилаётган қандайдир шартномаларнинг далили деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари Президентини ва Буюк Британия Бош вазирининг орқали бўлган мулоқотларини мана шу маъно-мазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол туғилади: бундай информация ҳужум ва уйдирмаларни тарқатишдан қўзғаб тугтилган мақсад нима?

Биринчидан, бу ҳолни бизни қўроқламайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз қўчимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганини қўриб қайфияти бузилаётган кўчаларнинг гаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информация ҳужум замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган ифғоварлик ҳаракатларининг намойишини қўриш мумкин.

Энг ёмони, бу уйдирмалардан қўзланган пинхоний мақсад - минтақамизда яшайётган турли миллат ва динга мансуб одамларни саросимага солиш, уларнинг оралида гулгула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, одам ҳар кун мана шундай уйдирмаларни эшитаверса, беихтиёр ҳавотир ва ташвишга тушибди, ўзига ўзи тинчлигимиз, болаларимизнинг эртанги тақдири нима бўлади, деб савол бериши, безовта бўлиши - бу ҳам табиий бир ҳол.

Ачинарлиси шундаки, бизнинг матбуот ва телевидениемиз бу масала бўйича халқимизга ўз вақтида зарур ахборот ва тушунтириш беролмапти, оқибатда жамоатчилигимиз хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқий ёки соғалигини ажратишга қийиналмоқда.

Матбуотимиз бундай мураккаб ҳолатларда хали тажрибаси етишмаслигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, бу информация ҳужум ташкилотчилари хоҳлайдими, йўқми, аввало, ўзининг мақбуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб терроризмга, ХХI аср вабоси бўлиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кўчаларни, одамларни йўлдан огдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа туғдиришга уринмоқда.

Тўртинчидан, бугун яна шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кўчаларини бунга сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзга ва баландпарвоз баёнотларда билдирмоқдалар. Амалда эса афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий уйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очик айтилган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлат арбобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Ўрни, эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги ҳукуматда қандай кўчалар ва қайси давлатларнинг тасири кўпроқ бўлади, деган саволлар ва ташвишлар билан овоза.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳиёна, мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни тағтомири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчада бўлмасин, бундай кўчаларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қўроқ-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, қўроқчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жўлабга жўнаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга қатъ таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Австрия Республикасига режалаштирилган таширфингизни кечиктириш зарурати ҳақида йўллаган бугунги мактубингиз учун миннатдорлигимни қабул қилгайсиз.

Кейинги кунларда журофий жихатдан мамлакатингизга бевосита яқин бўлган жойда юз бераётган воқеалар туфайли қабул қилинган бу қарорни тўла маъқуллаймаман. Сиз каби мен ҳам, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида яқин орада Австрияга таширф буюришингиздан умидворман.

Мамлакатингиз учун мураккаб бўлиб турган ушбу дамда ўзбек халқига ва шахсан Сизга, муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Терроризмга қарши халқаро курашда Австрия ҳам адолат томонидир.

Камоли эхтиром билан,

Тамас Клестьел,

Австрия Республикаси Федерал Президенти.

Вена шаҳри, 2001 йил 8 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТАСИДА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Шу йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Икки давлат раҳбарлари АҚШ ва Буюк Британия томонидан Афғонистон ҳудудидаги террорчилик базалари ва лагерларини йўқ қилиш операцияси бошлангани муносабати билан минтақада юзага келган вазият ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожини юзасидан фикр алмашди.

Мулоқот чоғида Украина Президенти ўз мамлакатининг ҳукумати юзага келган вазиятда, зарурат туғилса, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди.

Икки мамлакат Президентлари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА).

Пахта - 2001



МАРРА ЯҚИН

ҲАВОГА яна булут чиқди, ёмғир ёғиб ўтди. Бу табиий ҳол - куз яримлаб қолди. Энди об-ҳаводан мурувват кутиб бўлмайди. Осмонга булут чиқиши ва ёмғир шивалашини пахтакорларнинг қайрат-шижоати, қолаверса иродасига нисбатан бир синов деб тушуномқозим.

Йилги-терим ишларига шу нуқтани назардан ёндашилаётган туманларда ҳамон кунига йиллик режанинг бир фоизидан ошириб пахта тайёрлашга эришилмоқда. Хусусан, давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажариб қўйган Пскент, Ўртачирчиқ туманлари, шунингдек, маррага яқинлашиб қолган Оққўрғон ва Бўқа туманлари, улардан қолишмасликка интилаётган Бекобод ва Қўйичирчиқ туманлари пахтакорлари кунлик суръатни бўшашир-

маслик учун бор имкониятларини ишга солишмоқдалар.

Вилоятнинг асосий пахтасини етиштириб берадиган Бекобод, Бўқа, Оққўрғон ва Қўйичирчиқ туманлари меҳнаткашлари кунига дала-лардан йиллик режага нисбатан бир фоиздан ошириб ҳам ашё йиғиштириб олиб, вилоятимизнинг ҳам яқин кунларда ғалаба маррасини забт этишига замин яратмоқдалар.

Чунончи, 8 октябрь куни вилоятимизда 2805 тонна пахта тайёрлашга эришилди. Бу йиллик режага нисбатан 1,02 фоизга тенгдир. Шу кунгача тайёрланган жами ҳам ашё эса 262300 тоннадан ошди. Демак, марра яқин. Яна бир зўр берилса, вилоятимиз пахтакорлари бу йилги мавсумни ёруғ юз билан якунлайдилар.

ПАХТАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Пскент тумани деҳқонлари 9170 гектар ерга чипит экиб, 26100 тонна пахта етиштирилди ва шартнома режасини бажарди. Жами ҳосилнинг салкам 60 фоизи биринчи навга қабул қилинди.

Далаларда мезон учмоқда. Гоҳ йўл баланд гўзаларга, гоҳ дов-даракларга, ўт-ўланларга илашиб, худди ингичка ипак йўлидек чўзилиб, елларда оҳиста тебранади. Мезон келдики, деҳқоннинг ороми йўқолади. У «отини қамчила, бобо деҳқоним» деяётгандек бўлаверади. Пскент тумани пахтазорларида бўлган киши бугун шу беоромликнинг, шу отни қамчиланишнинг гўвоҳи бўлади. Чунки, режанинг бажарилиши хали деҳқон эоти-ни хотиржам торттирма-



Пскент туманидаги «Қирқизобод» ширкат ҳўжалигининг 1150 тонналик хирмониде чевар теримчиларнинг ҳиссаси қатта.
СУРАТДА: шлор теримчи Покиза Зокировани кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.

(Давоми 3-бетда).

ҒАЛАБАНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Ўртачирчиқ тумани деҳқонлари 13 минг 200 гектар майдондан 36 минг 800 тонна ҳосил кўтариб, зиммаларидаги режаларни шараф билан уддалади. Ҳосилнинг асосий қисми юқари навларга сотилди. Бу ғалабадан руҳланган ўртачирчиқлик пахтакорлар йилги-терим ишларини давом эттириб, эл хирмонига яна 1000 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

2001 йил ўртачирчиқликлар учун асл маънода пахта йили бўлди десак, муволаба бўлмас. Чунки, ўтган 2000 йилги мавсумнинг шу даврида йиллик режа 60 фоизга ҳам бормаган эди.

Туман пахтакорлари, деҳқонлари ўтган йилги қоқоқликдан тўғри хулоса чиқариб, астойдил меҳнат қилди. Барча ҳўжалиқларда

(Давоми 3-бетда).

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда қўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов бошқарди.

Кўни кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кўчалари халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Афғонистоннинг Кобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ҳамда Хирот шаҳарларига ҳаводан зарба берди. Террорчилик тизимини йўқотиш борасида тузилган халқаро коалицияга жаҳоннинг ақсариёт давлатлари қўшилгани сир эмас. Ўзбекистон бир неча бор террор ҳужумини ўз бошидан кечирган давлат сифатида халқаро ҳамжамият танлаган бу йўлдан четда тура олмайди.

Брифингда таъкидланган-нидек, бу зарбалар афғон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки халқаро террорчиликка қарши йўналтирилган ҳарбий тадбирдир. Бу фикрни АҚШ ва етакчи Ғарб давлатлари раҳбарлари каторида Ўзбекистон Президенти ҳам ўз чиқишларида неча бор таъкидлаган. Ислом Каримов 5 октябрь куни журналистлар билан учрашиб, Афғонистон билан боғлиқ воқеалар юзасидан расмий баёнот эълон қилди ва Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятга муносабатини аниқ-равшан ифодаладди.

Лекин кўни кеча АҚШ ва Буюк Британия қўроқли кўчалари Афғонистонга ҳаво зарбаси берганидан кейин ҳоридаги айрим оммавий ахборот воситалари турли асоссиз миш-мишлар, уйдирмалар тарқата бошлади. Гўё Ўзбекистон-Афғонистон чегарасида катта миқдорда қўшин тўпланаётгани, ҳадемай ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларнинг тағи пуч экани кўпчиликка равшан. Ташқи ишлар вазири А.Комилов бу уйдирмаларни қатъиян рад этар экан, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати давлатимиз раҳбарининг баёнотида ўзининг аниқ аксини топганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон акситеррор тадбирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кўчаларига ўз ҳаво кенгликларидан ва ҳарбий аэродромларидан бирдан фойдаланишга рухсат берган. АҚШнинг ҳам сонли ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари бу аэродромдан афғон халқига фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун фойдаланади. Афғонистонга Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланган ҳолда бомбала-

зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президенти-мизнинг баёнотида алоҳида таъкидланган.

Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегара ҳудудидаги вазият ҳақида ахборот бера экан, «Толибон» ҳаракати ҳарбийларининг йирик гуруҳи кузатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳарбий бўлинмалар жойдан жойга кўчирилётгани йўқ. Ҳарбийларимиз доимий кўналғаларида хушёр турибди. Ортиқча ваҳима кўтаришга ҳеч қандай асос йўқ.

(ЎЗА).

АВЛОДЛАРИМИЗ ТИНЧЛИҚДА УЛҒАЙСИН

Ҳар бир халқ ўзининг эртанги кўнини ўйлаб, унинг янада бахтли бўлишини тилаб яшайди, меҳнат қилади. Айниқса, биз оналарнинг нияти нихоятда пок, олижанобдир. Болаларимиз тинчлик-хотиржамликда ўсиб-улғайса, аждодларимиз қолдирган буюк меросни онгларига, қалбларига сингдирса, юртимизнинг муносиб ворислари бўлиб қамол топса, деб ўйлаймиз. Шу йўлда интиламиш, лекин, Усама Бин Лодин, унинг сафдошлари бор экан, таҳликага тез-тез тушибими мумкин. Шунинг учун терроризм деган сўз йўқ бўлиб кетиши учун террорчиларнинг, уларни шу ишга рағбатлантираётган, маблағ билан таъминлаётган, минглаб йигит-ярабларимизни нотўғри йўлга бошлаётганлар жолов-лаб қўйилиши керак. Барча ватандошларимиз сингари биз ҳам нияти бузғунчиликдан иборат бўлган кимсалар тезроқ йўқ қилиниши тарафдоримиз.

Мухайё ШОДМОНҚУЛОВА,
Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими
услубчиси.

БОШИДАН ЎТГАН ТАБИИ

Терроризмнинг нима эканлигини ўзбек халқи жуда яқин билади. Унинг захрини биринчи бўлиб тоғиб кўрган ҳам ўзбеклар бўлади, десам янглишмайман. 1999 йил 16 февралдаги даҳшатли воқеаларнинг қалбимиздаги излари асло ўчмайди. Ушанда кишиларимиз қанчалар изтироби, заҳмат чеккан эдилар ёки 2000 йилнинг август-сентябрь ойларидаги Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида бир гуруҳ босқинчилар билан бўлган тўқнашувларни олинг. АҚШнинг айнан мана шундай терроризм ўқоқларига зарба устига зарбалар бераётганини маъқуллаймаман. Чунки, қанчалик яхши қўролланган, муҳофазаланган бўлмасин, терроризм заҳми ҳар бир давлат бошига тушибди мумкин. Шунинг учун хушёр турмоғимиз, адолатли ушбу курашда бирдам бўлмоғимиз нихоятда зарур деб ўйлайман.

Ҳасан БИРОХИМОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги ТИҚИЙ ўқув
тажриба ҳўжалиги раҳбари, қишлоқ
ҳўжалиги фанлари номзоиди.

АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шу йил 9 октябрь куни Тошкент вилояти ҳокимлиги ижтимоий масалалар котибиятининг жорий йилнинг тўққиз ойлик иш фаолияти якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда котибиятга қарашли бўлим ва бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажмуа йиғилишини вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Кун тартибидеги масала юзасидан ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Х. Шафратов ахборот беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президенти-мизнинг баёнотида алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БАЁНОТИ

курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100дан ортиқ давлатнинг маъмур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъий назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилиётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бириктираётган ҳалқаро ҳамжамиятнинг қатъийлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмапти.

Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки «Толибон» ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади муҳдиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига қулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб таъкидлаётган айтишмоқда.

Кўни кеча Америка Қўшма Штатлари Президент томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жаҳоқаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилганлигини ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эътиборининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, бугун барчани эътиборидан масала - бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шунини айтишим керакки, терроризмнинг дахшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдирини мисолида яқин билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кўчининг дахшатли башараси билан ўз ҳаётида олдиданроқ ҳатти келганимиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулидан бир гули очилган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз ўнгутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни ўнгутиб бўлади-ми?

Еки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли худудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпуровчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ

одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар тўғрисида бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри хазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабиҳ қирқдорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошқор этолмаймиз.

Лекин мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам - давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниётларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганини, бу дахшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам тақдор-тақдор айтишни ўз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай ҳавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларида Сарисийёда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардоримиз.

Бугун «Толибон» биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Қобулда, Қандаҳор ёки Жалолободда бўладими, ҳарбий лагерларда одамқушлиқни касб қилиб, Хайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний «Толибон» армиясининг қўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибиде Урта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани аңлатмайдими?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу муҳдиш кучларнинг ҳатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яқин аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб қўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида қандай қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида қўндайдиган бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан

жавоб бериши керак.

Мана энди фарз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик ҳуружи бошланса, биз бу бало-қазони бартараф этиш учун қимдан, қаердан қўмак ва химоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъийлиги суянчимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очик чегарасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни тақдор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида қатта имкониятлар, қатта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхта-маса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, қанчонча бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қанчонча бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволлар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқаро терроризмга қарши курашда қатъий билидирётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, ҳавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг қафолатини олишимиз, қўмағига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Еки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни тағ-томири билан қўприб ташлашга тайёр эканини билидирётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сивас билан чиқса, жаҳон майдонда бошқалар бунини қандай тушунади?

Яъни, биз - терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий ҳавфга айланиб бораётган муҳдиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқаро терроризм қаршида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи қимсалар ва уларнинг ортдаги экстремистик марказлардан қўлаётган ҳаракатлар қаршида ёлғиз бўлиб қолмайми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қўлоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келаяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди.

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

◆ Пентагон Афғонистонга берилаётган ҳаво зарбалари яна бир неча кун давом этаётганини маълум қилди. Бу ҳақда BBS радиостанцияси ишончли манбаларга таяниб, хабар тарқатди.

◆ Россия Федерацияси АҚШ ва Буюк Британиянинг Афғонистон ҳудудидagi ҳарбий ҳаракатларини маълумлади. «Бугун халқаро ҳамкорлик террористик ақтлар оқибатида юзга келаятган тинчлик ва ҳавфсизликка таҳдидини БМТ низомига амал қилган ҳолда барча воситалар билан барбод қилиш ҳақида бир тану, бир жон» дейилади Россия ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотида.

◆ АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари зарбаларидан кейин Афғонистондаги толибонларнинг муҳим стратегик нуқталари — мудофаа вазириликнинг биноси, аэропортлар, ер усти ракетасига қарши қўрилма-лар, «Ал-Қоида» ташкилотининг ёвуз ниятли босқинчилари шу кунгача фойдаланиб келган машқ майдонлари, Зодан ортиқ бошқа муҳим иншоотлар вайрон бўлган.

◆ Афғонистон ҳудудига бошланган терроризмга қарши ҳужумларнинг асосий сабабчиси бўлган Усама Бин Ладин ҳали ҳам Афғонистонда эканлиги ҳақида маълумотлар бор.

◆ АҚШнинг Афғонистонда давом этаётган ҳарбий ҳаракатларига жуда кўпгина мамлакатлар ҳайратдан қўлибдириб, уларнинг бирдамликларини из-ҳор этмоқдалар. Чехия бош вазир Милош Земан дада госпитали, кимёвий химия бўлимига ва махсус кучлардан иборат қўшинларни юборишга тайёр эканлигини билдирган эди. Яқинда эса одамлар ва юкларни ташиниш учун «ТУ 154» самолёти ҳам ажратилажаги ҳақида хабар келди.

АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

чилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилди. Пировардида ана шундай сусткашликка йўл қўйилаётганлиги иш-хотларга тўсик бўлаётганлиги айтилди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан сўзга чиққан виллоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Умаралиев, виллоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З. Солиҳов, ўрта-махсус касб-хунар таълими тизими раҳбари А. Йўлдошев, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Годуров, санитария-эпидемиология хизмати бош шифокори В. Андрианов, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Х. Абдуллагев ва бошқалардан ҳам ўз соҳаларидаги муаммоларнинг ечимини топиш, камчиликларни эъдилик билан бартараф этиш юзасидан қандай ишлар қилинаётганлиги юзасидан ахборотлар талаб этилди.

Ийгилишининг жиддий ва танқидий руҳда

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўтганлиги бежиз эмас эди. Чунки, бугунги шароит ютуқларга маҳлиё бўлмай, кўпроқ амалий ишлар қилиш кераклигини тақозо этмоқда. Масалан, таълим муассасаларининг жорий ва капитал таъмирлаш ниҳоясига етказиш ҳамда бу биноларни кузги-кишки мавсумга тайёрлаш, мактаблар, касб-хунар коллежлар, академик лицейлар талабаларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш чораларини кўриш, ўқув юртларини маҳалли кадрлар билан мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимидаги иш-хотларни жадаллаштириш, оналар ва болалар ўлимини олдини олиш, соғлом авлодини вояга етказиш, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг қўлайиб кетишига йўл қўймаслик, маданият муассасалари моддий-техник таъминотидаги муаммоларни ечиш, пуллик хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, кутубхоналар фондидан янги адабиётлар билан бойитиш, жойларда физкультура ва спортни омалаштириш, шаҳар ва туманлардаги мавжуд

ўйингоҳлар ва спорт иншоотларини инвентарлар билан таъминлаш, спорт майдонларини таъмирлаш сингари қатор масалалар борки, уларни ҳал этиш учун бу ишга мутасадди бўлган ҳар бир бошқарма ўз вазифасини пухта бажармоғи ва талабчанлик билан ишлаши зарур.

Мажлисини бошқарган виллоят оқимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев мазкур масалалар ва кун тартибиде юзасидан ўзининг яқиний фикр-мулоҳазаларини билдирган экан, ижтимоий соҳада 2001 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш, белгиланган дастурларнинг ижросини қатъий назоратга олиш юзасидан ҳокимлик қотибиятига ва бошқармалар раҳбарларига аниқ вазифалар юкланди. Зарур ҳолларда ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган раҳбар ва мутахассисларга нисбатан жиддий чоралар қўрилишини айтиди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан қотибиятнинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ЙЎЛИДА

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази виллоят бўлими пахтакор туманларда, йиғим-терим мавсуми даврига мўлжалланган маънавий-маърифий дастур асосида тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, Бўқа туманининг Гаффор Азаматов номли ширкат ҳўжалигида «Ватан битта — мақсад ягона», Покент туманидаги «Қирқизбод» ширкат ҳўжалигида «XXI аср — ёшлар асри», Окўўрган туманининг С. Сегибзоев номли ширкат ҳўжалигида «Демократик ҳўқуқий давлат барпо этишнинг конституцион асослари», Қўйичирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалигида «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушуниш ва таъомийлар» ҳамда Чиноз тумани «Йўл тушган» ширкат ҳўжалигида «Меҳнат инсонни улўғлайди» мавзўларида тадбирлар ўўшотирилди.

Уларда Мустақиллигимиз туғайли қўлға киритилган ютуқлар, ҳўзирги сиёсий-ижтимоий аҳвол, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Тадбирларда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари муовини Р.Шералиев, адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Д. Тожиев, республика Ёзувчилар уюшмаси виллоят бўлими раиси М. Тоировлар иштирок этадилар.

Ўз мухбиримиз.

ЖАҲОНДА ИККИТА, БИТТАСИ ЭСА ПАРКЕНТДА

Бундай ноёб иншоотнинг бири Франциянинг Одеие виллоятида бунёд этилган эди. Иккинчиси эса, Паркентда барпо этилиб, 1989 йилда фойдаланиш учун қабул қилинди. Уни яратишда Франциядаги тўнғич қўрилмада тўлланган тажриба ҳисобга олинди. Бундай ноёб иншоотни қуриш учун Паркентнинг танланганлиги бежиз эмас. Бу худуд ҳавосининг экологик софлиги, 270-280 қўшлти кўнлар бўлиши, денгиз сатҳидан баландлиги ва бошқа томонларни ҳисобга олинди ва уни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Баланд тепалик устида жойлашган бу иншоот ҳар бир кишининг ақлини шоширади. Осмонга бўй чўзган асосий биноси мармар билан қопланган бўлиб, қўш ёлғусида ажиб товланади. Қўшнинг заррин нуқталарини қабул қилувчи ва уларни тўплаб, узатувчи кўзгуларда йиғилган нур технологик минорага етказиб берилади ва шу ерда иш боради. Унда ҳарорат 2800 градусгача етади. Шундай ҳарорат ёрдамида

турли илмий изланишлар олиб борилади. Институтда саккиз лаборатория, иккита цех ташкил этилган бўлиб, уларнинг жамоалари қўшнинг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, махсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланилади.

Институт олимлари илмий тадқиқот ишлари қатори халқ ҳўжалиғи турли тармоқлари буюртмаларини ҳам бажармоқдалар. Тўғрисири изланиш натижалари амалиётга муттасил жорий қилинапти. Уларнинг бу соҳадаги ютуқларини қўрсатувчи қўллаб мисолларни келтириш мумкин. Айниқса, енгил санаят учун долзарб бўлган қатор муаммоларни ҳал қилиб беришди. Унда ишлатиладиган эллиқка яқин ашёлар тайёрланди. Йиғириш машиналари учун импортгизгич ўлаштирилди. Илгари у ҳориждан келтирилиди. Олимлар меҳнати меваси бўлган бу ким тўқимачилар учун жуда асосди. Сифати, чидамлилиги юқори эканлигидан ташқари қўллаб маблағни тежаб қилиш имкониятини ҳам яратди. У республикамиздаги барча тўқимачилик корхоналарига кенг қўлланилапти.

Импорт ўрнини босадиган яна бир махсулот — газни турли бирикмалардан тозаловчи филтёрлар ҳам шу институтда яратилди. У сополдан ишланган. Юқори ҳароратга чидамли пуркагичлар шу ерда тайёрланапти. Ҳатто, пардоз қўшинлари учун рангли лойлар ҳам ишлаб чиқарилапти.

Жамоамизнинг чет эллик ҳамкасбларимиз билан алоқалари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди институтнинг катта илмий ходими Расулжон Акбаров. — Улар бизнинг изланишларимиз натижалари билан доим қўзқиб турадилар ва айримларини ўзларида жорий қилишга хоҳиш билдирмоқдалар. Биз бундай илтимосларни имкон борида бажаришга ҳаракат қиламиз. Бунда чет эллар фондлари, грантларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Чунки, жаҳондаги етакчи давлатлар, қўноқчи, АҚШ, Италия, Хитой, Хиндистон, Германия, Испания, Миср давлатлари фундаментал илмий изланиш натижаларини бошқа мамлакатларда ҳам жорий қилиш учун маблағ ажратадилар. Шунинг ҳисо-

биға бизда яратилган ва диаметри икки метрли печларини чет элларда ўрната-ямиз. Қўш энергиясидан фойдаланиб ишлашга мўлжалланган бу қўрилманинг дастлабкиси Хиндистонда қўрилди. У

Ўзбекистон Фанлар академияси Азимов номидagi Физика-қўш илмий ишлаб чиқариш биришмасининг материалшўнослик институти илм аҳлининг қўш энергиясидан фойдаланиб, турли махсулотлар яратиш йўлидаги сай-ҳаракатлари бундан кейин ҳам салмоқли самаралар беришига ишончимиз комил. Унда бўлиш, олимлар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлиқда олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишишининг ҳам мана шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

МирсобиР МИРХАМИДОВ.

«КОМИЛ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Зангиота туманидаги «Комил» фирмаси ақинда гўш махсулотларининг янги турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Охотничий», «Столичный», «Дорожная», «Московская» сингари қолбаса махсулотлари ўзининг харидор-боғлиғи, ҳўштамлиғи билан ажралиб туради.

Фирма жамоаси бундай махсулотларни қўллаб ишлаб чиқармоқда.

ТАЪМИ ТОТЛИ «АЙИҚЧА»

Янгийўл туманидаги «Зўлхум» фирмаси ақинда гўш махсулотларининг янги турини ишлаб чиқармоқда.

Яқинда бу ерда икки хил — «Шоколадли банан» ва «Айиқча» музқаймоқлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу музқаймоқлар ўзининг сифати, ўрама қозғаларининг кўркамлиғи билан ажралиб туради. Бундай музқаймоқларни болажонлар жон-жон деб истеъмол қилишларига шубҳа йўқ.

ЗўхРА ҲАЙДАРОВА.

КЎЧА УЧУН ТАЙЁР АРИҚЛАР

Ангрндаги 4-темир-бетон буюмлари заводи муттасил барқорор ишлаётган корхоналардан бири ҳисобланади. Бунга асосан махсулотларига буюртмачиларни излаш ва улар билан ўзаро шартномалар тузиб ишлаш туғайли эришиляпти.

Ҳозирги вақтда корхонада йиғирматадан ортиқ турдаги темир-бетон буюм-

лари тайёрланапти. Уларнинг ҳаммаси буюртмалар асосида ишлаб чиқариляпти.

ЧИҚИНДИДАН МАХСУЛОТ

Илгарилари «Оҳангароншифер» ҳиссасдорлик жамияти ҳўвласида шифер чиқиндилари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётарди.

Сайфулла Йўлдошев бошчилик қилаётган цех жамоаси мана шу чиқиндилардан шлак-облоқ ҳамда гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Натижада 22 нафар ишчи доимий иш билан таъминланди. Улар ҳар кўни 300 дона шлак-облоқ ва 1800 дона гишт ишлаб чиқармоқда.

Ўз мухбиримиз.

ФАХРИЙЛАР УЧУН 4 МИЛЛИОН СЎМ

Ангрена истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фохрийлари қаторида салкам ўн тўққиз минг киши бор.

Уларнинг ҳаммаси иззат-икром, ҳурмат билан қўриша олинган. Шаҳар ҳокимлиги ва унинг бўлимлари, корхона-ташкilotлар, муассасалар, маҳаллалар, тадбиркорлар муҳтож кексаларга доим моддий ёрдам бериб келишяпти. Жорий йилнинг утган ойлари давомида шундай хайрли тадбирларни амалга оширишга 4



миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бунинг эвазига қарияларга совга-саломлар берилди, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

ОБЛИҚ ШАҒАЛИ ХАРИДОРГИР

Облиқ номаъдан ашёлар корхонаси жамоаси жорий йилда барқарор ишлаб, буюртмачилар билан тузилган барча шартномаларни тўла бажаришга эришмоқда. Шунинг учун ҳам унинг мижозлари сони муносабатан кўпайиб бормоқда. Улар республикамизнинг барча минтақаларида мавжуд.

Корхона ишчи-хизматчилари шу йилнинг утган саккиз ойи топишганини зийдаси билан адо этдилар. Буюртмачиларга етказиб берилган қўм-шағал ҳажми 150 минг куб метрдан ҳам ошиқроқни ташкил этди. Унинг аксарият қисми Хоразм ва Қорақалпоғистонда қад кутарётган йирик иншоотларга жўнатилди. Жамоа қўлидан чиққан бинокорлик ашёларини олувчилар орасида «Урганчгаз-



қурилиши» бошқармаси, Хоразм сув қурилиши трести, Туямайин сув омбори, Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг қатор ташкилотлари бор.

Ўз мухбиримиз.

Қадимги одатларни ўрганиш бўйича энг буюқ тарихий монбалардан бири «Авесто» ҳисобланади. «Авесто»да аждодларимизнинг фалсафий фикрлари, орзу-уйлари, этиқоди билан бир қаторда одатлар, маросимлар ва байрамларга олоҳида эътибор берилади. Унинг барча қисмлари ва ойникса, унинг «Видевдат» қисми бундай маълумотларга жуда бой. Авестода табиат унсурлари, ҳайвонот ва ўсимлик турларини эъзозлаш, озодалик, поклик русумлари, ит боқиш ва уларни эҳтиёт қилиш, аёллар билан ойнайи қайси кунлари муносабатда бўлиш, соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш, ҳўрозлар билан боғлиқ иримлар ҳақида, сувнинг шифобахшлиги, чақалоқни парваришлаш, одамларни бало-қазолардан асраш, ваъдобоъни жазолаш ва бошқа кўплаб одатлар баён этилади.

«Авесто»да салбий ҳодисалар айнан одат-маросимларга итлоат қилинмаганидан келиб чиқади, деган гоё олға сурилади. Жумладан, унда: «... маросимларга эътиборсизлик оқибатида ер юзида девларнинг хуружи авж олади» (Девлар бунда салбийлик, ёмонлик тимсоли сифатида намоён бўлади) шунингдек: «Диний русум ва маросимларга эътиборсизлик оқибатида одамлар бит деб аталувчи храфстлар, экинзорларда бугдойларнинг хўрандаси хашаротлар, уйларда либосларни кемирувчи махлуқлар ер юзини босиб кетади» - деб қайд этилади.

«Авесто»да одат-русумларни билмаслик жуда каттиқ танқид қилинади. Масалан, Зардушт: «Ким ... касаллик ва ўлим келтирувчи?» - деб сўраганда, Ахура-Мазда унга: «... покляниш русумини тугал билмаган ҳолатда бир но-покни поклянишга журъатган одам» - деб жавоб беради.

Зардуштийлик одатларини чуқур таҳлил қилиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Осмон, қуёш, ер ва табиий ҳодисаларга боғлиқ аъналар.

Зардуштийлар ўз маросимларида коинотнинг 4 унсuri (олов), сув, ер, ҳавони улуғлашган. Уларни дунёдаги энг муқаддас нарсалар деб тан олишган. Олов қуёшнинг ердаги шакли (заррачаси) деб, унга алоҳида сажда қилишган. Шунингдек, оловни барча гуноҳдан тозаловчи сехри куч санашган ва унга бағишлаб маҳсус оташхоналар қуришган, унда турли байрам, маросимлар уюштирилган.

2. Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламига оид қадимий удулар.

Зардуштийлар от, ит, бўри, қўқор, ҳўроз, қийик, тоғ эчкиси каби ҳайвонларни, қалдирғоч, лайлак, боғлиқ одатлар.

Инсоннинг турмуши билан боғлиқ бўлган одатлар (масалан, юриш-туриш, қийинчи, покляниш, эрлар ва аёлларнинг хусусий русумлари ва ҳоказолар) кўп бўлган.

4. Жисман ва руҳан покляниш - зардуштийларнинг асосий одати бўлган. Унинг

Авестонинг 2700 йиллиги олдидан

оққуш, турна каби қушларни илоҳийлаштиришган ва уларга оид маҳсус маросимлар ўтказишган.

3. Инсон ҳаёти билан

номи «зндаравон» - «тирик рух»дир. Покляниш воқисасида инсон ўзига янги рух бахш эта олган.

Оташпарастлар барча

да қолди. Бирок уларнинг кўпгина одатлари ҳозирги кунда ҳам сақланган. Сўзсиз улар ичида энг каттаси - «Наврўз». Шу билан бирга касалликни олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алаңгаси устидан сакраш ўйинлари, чақалоқни олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шоҳига турли латталардан «алам» боғлаш ва бошқа аъналарнинг ҳам ҳозир учратиш мумкин. Қуёшни озодалик билан қутиб олиш, тонгда ҳовлини тозалаш, уйни супуриш, ювиниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озиқ-овқатларни, турмуш анжомларини зарарсизлантириш, турли гиёҳлар тутатишдан фойдаланиш ҳам зардуштийлардан келадиган одатлардир.

Зардуштийлик даврдан қолган одатлар аждодларимизнинг бебаҳо тарихий мероси ва ўзбек миллий тафаккур тарзи ҳамда этнографиясининг муҳим белгиларидир.

Усмон ҚОРАБОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси санъат ва дизайн институти директори.

ЗАРДУШТИЙ ОДАТЛАР МАЖМУИ



расм-русумларда ҳам тозалikka катта эътибор берганлар. Ҳар бир инсон кунига беш марта ювиниб, покляниб, қуёшни олқийиб сийғиниши шарт бўлган. Одатларни бажармаганлар каттиқ жазоланган.

Аждодларимиз эътиқоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарих-

Пахта - 2001

Пахта - 2001

ПАХТАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

ган, унинг нияти сўнги қўсак, сўнги чанокқача териб олишдан иборат бўлади.

Дехқонларимизга бу йил ҳар бир соҳада омад ер бўлаяпти, - деб ҳикоя қилади туман ҳокими, айни пайтда пахта штабининг бошлиғи Абдували Гафуров. - Бу аслида эрта кўкламдан бошлаб қилинган шижоатли меҳнатнинг баракали нўҳоясидир. Пахта гарчи оппоқ бўлса ҳам уни қадок қўллар, офтобда қорайган чехралар бунёд этади. Пахта дехқоннинг оппоқ орзуси.

Ҳоким тўғри айтди. Ўзга гарчи тик ўсса ҳам, унинг тепасида пахтакор минг бора эгилди парвона бўлади. Пахтакор қўлидаги қадоклар



ўз жигарбандини эркалаганда унга ботса, эҳтимол. Лекин, ўзи чанокларнинг қаттиқлигини сезмайди.

Бу йилги 26 минг 100 тонналик хирмони-мизга И. Хайдаров, А. Дўстбеков, Й. Охунбобоев номи, «Қирққизобод», «Намуна», «Пскент» ширкат ҳўжалиқлари муносиб улуш қўшдилар, - ҳўқоясини давом эттирди Абдували Гафуров. - Айникса, Дўстбеков номи ҳўжалиқ миришкорлари шу кунгача режани 112 фоиздан оширдилар. Уларнинг пахта хирмони 4250 тоннага етди. И. Хайдаров номи ширкат аъзолари ҳам бўш келмадилар: улар 2850 тонналик хирмон уйдилар.

Туманда биринчи бўлиб шартнома режаларини бажарган «Қирққизобод» ширкат ҳўжалиқининг пахтакорларига офарин, дейиш камлик қилади. Улар 460 гектар ерга гектар уруғи қадаган эдилар. 1150 тонна юқори навли «оқ олтин» етиштириб, ҳўсилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказдилар. Ҳўжалиқнинг байроқдор бўлишида Махмуд Маъруфов, Комил Қўлатметов, хўсузан, 385 тонна пахта тайёрлаган Абдуазим Нўҳомов бошлиқ бригадаларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Фақат бугина эмас, Охунбобоев номи ширкат ҳўжалиғи 2734 тонна, «Пскент» ширкат ҳўжалиғи 3660 тонналик пахта хирмонлари билан муно-

(Давоми. Боши 1-бетда).

сиб улуш қўшдилар. Ушбу ҳўжалиқларда пахта терими ҳали ҳам уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Марра сари жадал интилаётган Қодиров номи, Навоий номи, «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат ҳўжалиқлари ҳам баҳоликударат ҳисса қўшдилар.

Мўл ҳўсил олиш учун биринчи қадам шўдгорлашдан бошланади, десам тўғри бўлади, - дейди «Пскент» ширкат ҳўжалиғи раиси Абдумажид Фуломов. - Дехқончиликнинг тамал тоши айнан шўдгорлашда ерни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйинтиришда, экиш вақтида қўйилади. Вақтида сўғориш, ишлов бериш эса ҳўсилга ҳўсил қўшади. Энг муҳими, одамларимизнинг меҳнатга муносабати батамом ўзгарди. Энди дехқон кун ўтказиш учун эмас, кунни қандай қилиб сермахсул, сермазмун қилиш учун ўйлайди.

Ҳа, бу ҳақиқатни ҳар бир қадамда қўришимиз мумкин. Ислиддин Хайдаров номи ширкат ҳўжалиғида Усмонли Эргашев бошчилик қилаётган бригада фикримизга далил бўла олади. Бригада бу йил ҳам туманда биринчи бўлиб шартнома режасини бажарди. 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта ундирилди, ялпи ҳўсил 176 тоннага етди. Бундай бригадалар, пудратчи оилаларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Туманинг катта хирмонида фермерларнинг ҳам хизмати бекиёс бўлди.

Фермер ҳўжалиқлари орасида Абдуҳамид Бектўраев бош бўлган жамоани ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. Улар 7 гектар ердан 40 центнердан, жами 28 тонна ҳўсил йиғиштириб олдилар. Тўлқин Самаров бош бўлган азаматлар эса 3 гектар ердан 13 тонна пахта териб олиб, ҳўсилдорликни 43 центнерга етказдилар. Худди шундай «Шўхрат» фермер ҳўжалиғида ҳам 21 тонналик хирмон кўтарилди. Ҳўсилдорлик эса гектар бошига 42 центнерни ташкил этди. Аҳмад Қўраев бош бўлган дехқонлар эса 4 гектар ердан 16 тонна ҳўсил олдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Пскентнинг улкан хирмонида ҳамманинг, шу жумладан Олмалиқ шаҳридан, Охангарон туманидан келган 10 мингга яқин хашарчиларнинг ҳам ҳиссаси бор. Бу хирмон кун сайин юксалиб борапти. Чунки, юқорида айтганимиздек, сўнги қўсак, сўнги тола учун кураш олиб бориляпти, терим сўрьати сўсайгани йўқ.

Пахтанинг ойдин йўли дехқонларнинг яхши ниятларга тўла оқ юрагидан бошланади. Бу йўл Ватанимизнинг «оқ олтин» тоғига бориб туташади. Мана шу тоғдан туриб қаралса, пахта шарафи қанчалар улуғ эканини ҳис этиш қийин эмас.

Темур УБАЙДУЛЛО, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Пскент туманидаги Ислиддин Хайдаров номи ширкат ҳўжалиғининг бош пудратчиси Турдимат Қўқоров бошчилик қилаётган жамоа пахтакорлари 40 гектар майдонда ҳўсил етиштириб, гектарлар ҳўсилдорлигини 27,5 центнерга етказдилар.

СУРАТДА: пудратчи Турдимат Қўқоров те-риқчилар давраида.

ҒАЛАБАНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

мўл ва сара ҳўсил етиштирилди. Албатта, ғалабага осонликча эришилгани йўқ. Дехқончиликда йил бошидан мўл ҳўсилга пухта замин яратилмас экан, қутилган натижани қўлга киритиш осон кўнмайди.

Пахтакорларимизнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарганлиги, ернинг қадрга ета бошлаганлиқлари, қўлга киритган ютуқларимизнинг асосий омилларидан бири бўлди, - деди туман ҳокими Максим Тиллабоев. - Пахтачиликка бўлган муносабатнинг ўзгариши, бу соҳани ривожлантириш бўйича маҳаллий шароитга мос стратегик йўналишнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши - уруғчилик, парвариш, агротехника қоидаларига амал қилиш, ишга бўлган муносабатда тўғри ёндашув туфайли ана шундай ғалабани қўлга киритдик.

Ҳар бир пудратчи оиланинг эрта кўкламдан бошлаб йиғим-терим мавсуми охиригача қилган сарф-харажатлари ҳўжалиқнинг молия-ҳисоб марказида алоҳида ҳисоб-китоб қилиб борилади. Дехқонларнинг топширган пахтаси ҳам шу дафтарга қайд этилади. Йил якунида эса, ҳар бир пудратчининг даромади алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Демак, ким қандай ишласа, шунга яраша даромад олади.

Бугунги муваффақият пахтачиликда бошланган ишларимизнинг дебючасидир, - дейди 267 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳўсил кўтаришга муваффақ бўлган «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиғи бошқаруви раиси Мирзамурод

Икромов. - Ҳалқимизда қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, деган нақл бор. Бугунги ғалабага ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан салмоқли улуш қўшган Худойберган Назаркулов, Баҳодир Хўжамбердиевлар бошчилик қилаётган жамоалар гектаридан 32-33 центнердан ҳўсил йиғиб-териб олиб, зиммаларидаги режаларини 106 фоизга удаладилар. Бу ютуқларда Шерали Худойбердиев, Ёркин Мадалиев, Фулом Ойдулов сингари механизаторларнинг ҳам муносиб улушлари бор.

Албатта, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиғи пахтакорлари эришган муваффақиятларда плёнка остига чигит экиш усули қўлланганлиги ҳам жуда асосли. Илгарилари бу ҳўжаликда энг кўп ҳўсилдорлик 24 центнерни ташкил этган бўлса, бу йил 30 центнердан ошди.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Ҳар бир ҳўжалиқ топширган ҳўсилига яраша пахта ёғи, қўнжара, чигит шелухаси олади ва уларни оилавий пудратчиларга молия-ҳисоб марказида қайд этилган ҳиссасига қараб тарқатади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бу маҳсулотларнинг ўндан бири ҳам уларнинг ўз эҳтиёжлари учун етиб ортади. Демак, қолган маҳсулотни сотган тақдирда ҳам дехқон яхшигина даромад кўради.

Терим бошланиши олдидан ҳамма оилавий пудратчилар даласига мутахассисларни юбориб, ҳар бир картадаги ғўзаларнинг ости, устки, ўрта ва юқори қисмлариди очилган пахтадан алоҳида-алоҳида намуналар олинди ва тарозидан ўтказилиб, ҳўсил чўғи аниқланди, - дейди Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалиғини механизациялаш инженерлари институти ўқув-таъриба ҳўжалиғи бош ҳисобчиси Фофуржон Холбоев.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув-таъриба ҳўжалиғида ҳақиқатдан ҳам йиғим-теримга пухта ишланган режа асосида киришилди. Дастлаб оилавий пудратчиларнинг ўзлари этак боғлаб, теримга тушдилар. Тез орада институт талабаларидан иборат хашарчилар гуруҳи ёрдамга чиқди. Натижа чакки бўлмади. 816 гектар майдонда етиштирилган ҳўсил 30 иш кунини йиғиб-териб олинди. Умумий ҳўсилдорлик эса, 26 центнердан ташкил этди. Махмуд Яхшибоев, Илёс Соатбеков, Равшан Пардаев, Виктор Ким ва Ўқун Нурматовлар бошчилик қилаётган оилавий пудрат дехқонлари 31-36 центнердан ҳўсил кўтариб, ҳўжалиқ хирмонида барака киритдилар.



Зеро, ишнинг қўзини билиб, аниқ режа асосида меҳнат қилган дехқон кўзлаган мақсадига эришади, деганлари рост.

Ўртачириқчилар бу йил ана шундай фидокорона меҳнат қилдилар. Давлатга топширилган 36800 тонна ҳўсилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Туман ҳокими таъкидлаганидек, пахтачиликда энгил ва осон йўл бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Масъулиятни чуқур ҳис этиш, қилинган ишларни кун сайин таҳлил қилиш, йиғим-терим ишларида уюшқоқлик билан меҳнат қилиш ютуқларининг бош омилли бўла олади. Ҳали туман даладариди ҳўсил мўл, терим ҳам жадал сўрьатларда давом эттирилмоқда.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

Ўртачириқ туманидаги Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалиғи инженерлари институтининг ўқув-таъриба ҳўжалиғи пахтакорлари 816 гектар майдонда меҳнат қилиб, 30 иш кунини зиммаларидаги режани шараф билан адо этдилар. Ҳўсилнинг 40 фоизи терим машиналари бункеридан тўйилди.

СУРАТДА: бош ҳўсилот Мўхаммадали Наримов механизаторлар Аваз Маллабоев ва Алишер Ор-тиқовларни ғалаба билан қўтламоқда.

Даврон Аҳмад олган суратлар.

«БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ»

Бўстонлик туманидаги марказий маданият саройида «Баркамол авлод – келажак пойдевори» мавзунда ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ҳўқўқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллалар фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг вакиллари иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳўқўқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳамда уларни турли оқимлар тарқитишга кириб қўлиш ҳўлларининг олдини олиш ва юртимизда олиб борилаётган ислохотларни ёшлар онгига сингдириб бориш мақсадлари ҳақида фикрлашиб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

ОРАСТАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Кузнинг ёйин-сочинли, салқин кунлари бошланиши муносабати билан вилоят саломатлик маркази жойларда қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Хўсузан, маъкур марказ ташаббуси билан Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Давлат санитария-эпидемиология вилоят назорат марказининг бир гуруҳ мутахассислари Ўртачириқ, Қўйичирчиқ, Юқориқирчиқ туманларида бўлдилар. Улар аҳоли ўртасида салқин ва нам ҳавода қўзғалувчи касалликларнинг олдини олиш, санитария ва орасталик қоидаларига риоя қилиш саломатлик гарови эканлиги ҳақида суҳбатлар ўтказишди. Бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

РАҲБАРЛАР ҲАМ ЎҚИЙДИ

Республика Бозор кўникмоларини ривожлантириш марказида «Хорижий сармоядорлар билан қандай ишлаш лозим» мавзундаги доимий курсларда навбатдаги гуруҳ ўз машғулотларини бошлаб юборди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу курсларда ҳўзиргача хорижий сармояларни жалб этишдан манфаатдор бўлган корхоналарнинг 46 нафар раҳбар ходими таълим олди, - деди марказ бош директорининг ўринбосари Михаил Хадаев. - Курсларнинг асосий мақсади тадбиркорларни хорижий сармоядорларни жалб этиш, улар билан ишлаш ва инвестициялардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ишнинг қўзини билган ҳолда ҳал этишга урганишдан иборат. Мазкур ўқув курсларига, аввало, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий сармояларни жалб этиш ва қўшма корхоналар тузиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига киритилган корхоналар раҳбарлари жалб этилади.

Бир ҳафтага мўлжалланган маҳсус таълим дастури бўйича машғулотларни Республика Давлат мулки қўмитаси, хорижий сармоялар бўйича Агентлик, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари олиб боришади.

«Туркистон-пресс».